

Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги: долзарб муаммолар ва амалий ечимлар

// 24.12.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/fan-va-ishlab-chiqarish-hamkorligi-dolzarb-muammolar-va-amal>



Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, қолаверса, импортни мақбуллаштириш имконини берадиган муҳим омил.

Шу маънода “Ўзкимёсаноат” АЖ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.



Жамиятда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда ишлаб чиқариш жараёнида учраётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, техник сувлар таркибидаги сульфат ионларини тозалаш, фосфогипсни қайта ишлаш ҳамда импорт қилинадиган терпен мойларининг муқобилини ишлаб чиқиш каби бир қатор масалалар таҳлил қилинди. Шу билан бирга тармоқ корхоналарида истиқболли лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш, назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш, инновацион тадқиқотлар олиб боришга ҳам эътибор қаратилди.